

КУЗГИ ЖАВДАРНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. В данной статье проведено исследование по выращиванию сельско хозяйственной ржи на светло-серых почвах Кашкадарьинской области республики. В ходе исследований были проведены фенологические наблюдения в экспериментальном поле и проанализированы результаты исследований влияния времени посева и скорости высева на продуктивность падения ржи на светло-серых почвах.

Ключевые слова: время посадки, норма высева, ржаная осень, светло-серые почвы, плодородие, сорт, возделывание.

Annotation. In this article, a research on agricultural rye cultivation in the light gray soils of the Kashkadarya region of the Republic was conducted. The studies carried out phenological observations in the experimental field and analyzed the results of the studies on the effect of seeding time and seeding rates on the fall rye productivity in light gray soils.

Keywords: planting time, seeding rate, rye autumn, light gray soils, fertility, variety, cultivation.

Жавдар, қора буғдой (*Secale*) ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, дон экини ҳисобланади. Унинг 13 туридан 11 таси ёввойи бўлиб, Кичик ва Ўрта Осиёда, Эрон, Афғонистон, Кавказорти, Жанубий Африкада ўсади, қолган 2 туридан бири далаларда, бегона ўт тариқасида учрайди (*S.cereale*). Жавдарнинг ватани Кавказ, Кичик ва Ўрта Осиёнинг тоғ олди минтақалари ҳисобланади. Кузги ва баҳорги шакллари бор, бизда кузгиси экилади. Жавдар асосан Европа мамлакатларида кўп экилади (Польшада 2,2 минг гектар, Россияда 3,5 минг гектар, Украинада 0,6 млн. гектар). Ўзбекистонда жавдар кам экилади (8 минг гектар, 1999) [1;2; - Б 93-98; - Б 100-105.].

Кузги жавдар бир қанча мамлакатларда буғдойдан кейин иккинчи нон экини ҳисобланади. Жавдар нони юқори калорияга эга, тўйимли, мазали, дони тўла қимматли, алмаштирилмайдиган аминокислоталар, оқсиллар, углеводлар, минерал элементлар, тўйинмаган ёғ кислоталар, биологик фаол моддалар, шунингдек, А, С, Е ва В гуруҳидаги витаминларга бой. Жавдар донидаги оқсил миқдори буғдойга қараганда бирмунча камроқ бўлишига қарамай оқсил таркибидаги аминокислоталар таркиби бўйича биологик нуқтаи назардан тўлиқроқ ҳисобланади [3;4; - Б 126-132 ; - Б 25-27.].

Мамлакатимизда кузги жавдар етиштириш агротехникаси мукамал даражада ўрганилмаган. Кузги жавдар экинидан мўл ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

Шунинг учун ҳам бизнинг тадқиқотларимизда Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шаро-



иотида кузги жавдар экиннинг ўсиши ва ривожланиш даврларига экиш муддати, экиш меъёри, минерал ўғитлар таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида, кузги жавдарнинг «NS-SAVO» ва «Вахшская 116» навлари олинди. Дала тажрибалари Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг Қарши тумани Я.Омонов ҳудуди, тажриба майдонида олиб борилди. Илмий ишларда лаборатория, дала тажрибаларини қўйиш, фенологик кузатиш, турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельско-хозяйственных культур», «Методика исследований с зернобобовыми культурами» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Дала тажрибалари 1 ярусда 2 та муддатда жойлаштирилди, вариантлар сони 18 та, икки муддат бўйича 36 та бўлиб, 3 такрорланишда олиб борилди. Тажрибада пайкаллар сони 108 та. Ҳар бир пайкалнинг ҳисобли майдон 180 м², яъни узунлиги 50 м ва эни 3,6 м бўлди.

Илмий тадқиқотда, кузги жавдарнинг 2 та «NS-SAVO» ва «Вахшская 116» навлари олинди, экиш 15 октябрь ва 1 ноябрь муддатида 4 млн/га, 5 млн/га ва 6 млн./га уруғ экиш меъёрида, маъданли ўғитлар меъёри эса ($N_{160} P_{80} K_{60}$; $N_{200} P_{100} K_{75}$; $N_{240} P_{120} K_{90}$) кг/га фонда экилиб фенологик ва биометрик кузатувлар олиб борилмоқда (1-жадвал).

Тажриба майдонида кузги жавдарнинг навлари экиш (15.окт) муддатида 5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида $N_{160} P_{80} K_{60}$ кг/га фонда экилган вариант таҳлил қилинганда, уруғларнинг дала унувчанлиги навларга мувофиқ ҳолда 78,8 ва 81 % ни ташкил этганлиги маълум бўлди. Ўрта муддатда (01.ноя) экилганда тегишлича 10,6 ва 10,4 % га унувчанлик пасайганлиги аниқланди. Кўрсатиб ўтилган жавдар навлари минерал ўғитларни $N_{200} P_{100} K_{75}$ кг/га фонда юқоридаги муддат ва меъёрларида экилганда уруғларнинг дала унувчанлиги эрта (15.окт) муддатда 86,2 ва 88,2 % бўлди ва бу кўрсаткичлар ўрта (01.ноя) муддатдан тегишлича 10,8 ва 12 % га юқори бўлганлиги билан фарқланди. Минерал ўғитларни $N_{240} P_{120} K_{90}$ кг/га қўлланган фонда уруғларнинг дала унув-

Экиш муддати ва меъёрларининг кузги жавдарнинг унувчанлигига таъсири (ДДЭТИ Қашқадарё филиали 2019-2020 йй).

1-жадвал.

Вариантлар			15 Октябр		1 Ноябр	
Кузги жавдар номи	Экиш меъёри	Ўғитлар миқдори	Униб чиқиш (1 м ²)	Дала унувчанлиги, (%)	Униб чиқиш (1 м ²)	Дала унувчанлиги, (%)
«NS-SAVO»	4 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	312	78,0	266	66,5
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	330	82,5	294	73,5
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	318	79,5	278	69,5
	5 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	394	78,8	341	68,2
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	431	86,2	377	75,4
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	413	82,6	359	71,8
	6 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	475	79,2	413	68,8
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	504	84,0	445	74,2
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	483	80,5	428	71,3
«Вахшская 116»	4 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	465	77,5	278	69,5
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	333	83,2	301	75,2
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	319	79,8	284	71,0
	5 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	405	81,0	353	70,6
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	441	88,2	381	76,2
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	423	84,6	366	73,2
	6 млн/га	$N_{160}P_{80}K_{60}$	469	78,2	415	69,2
		$N_{200}P_{100}K_{75}$	510	85,0	450	75,0
		$N_{240}P_{120}K_{90}$	486	81,0	429	71,5

чанлиги эрта (15.окт) муддатда 82,6 ва 84,6 % ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўрта (01.ноя) муддатдан тегишлича 10,8 ва 11,4 % га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Тажриба даласида уруғларнинг дала унувчанлиги энг юқори бўлган вариантлари эрта (15.окт) муддатда жавдарнинг «Вахшская 116» навида кузатилди. Тажибада эрта (15.окт) муддатда экилган уруғларнинг дала унувчанлиги ўрта (01.ноя) муддатда экилгандагига нисбатан турли экиш меъёрларида (4;5;6 млн/га дона уруғ) «NS-SAVO» ва «Вахшская 116» навларига мос равишда 11-14 % гача юқори бўлганлиги аниқланди. Кузги жавдарнинг экиш муддатининг кечикиб бориши, барча экиш меъёрларида ҳам уруғларнинг дала унувчанлигини камайиши ҳисобга олинди. Тажибада кузги жавдарни ўрта (01.ноя) муддатда экилган уруғларининг дала унувчанлиги мақбул (15.окт) муддатда ва меъёрда (5 млн/га дона уруғ) экилганда нисбатан «NS-SAVO» навида 10,8 % ва «Вахшская 116» навида 12 % га камайганлиги аниқланди.

Тажрибада кузги жавдарнинг «NS-SAVO» ва «Вахшская 116» навлари эрта (15.окт) муддатда экилганда

уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги, минерал ўғитлар ($N_{160}P_{80}K_{60}$; $N_{200}P_{100}K_{75}$; $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га) фониди экиш меъёри гектарига 5,0 млн/га дона унувчан уруғ бўлганда энг юқори кўрсаткич 86,2-88,2 % бўлса, ушбу муддатда экиш меъёри 6 млн/га дона унувчан уруғга ошириш дала шароитидаги навларга тегишлича унувчанлигини 2,2 % дан 3,2 % гача камайиши маълум бўлди. Тадқиқотда шунингдек, 4 млн/га дона унувчан уруғга камайтирилиши эса навларнинг тегишлича дала шароитидаги унувчанлигини 3,7 % дан 5 % га пасайиши тадқиқотда аниқланди (1-расм).



1-расм. Дала тажибасида экиб ўрганилаётган кузги жавдар экинчи.

Ушбу қонуният экиш муддатлари ўрта (01.ноя) муддатда ўрганилган вариантларда ҳам кузатилди. Кузги жавдар навлари уруғларини экиш мақбул (15.окт) муддатдан кеч муддатда ўтказилганда барча экиш меъёрларида ҳам уруғларнинг дала унувчанлиги пасайиб борганлиги намоён бўлди.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотдан олинган маълумотларга асосланиб қуйидагиларни ҳулоса қилиш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг уруғларини тўлиқ ва қисқа муддатларда ундириб олиш учун экишни энг мақбул муддатлар (15-октябр) да ва экиш меъёрда (5 млн.дона/га), маъданли ўғитларни $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га фониди ўтказиш, кузги жавдарнинг «Вахшская 116» навида уруғларининг дала унувчанлиги энг юқори 441 дона (88,2 %) бўлишини таъминлайди.

Кузги жавдар уруғлари мақбул муддатдан кеч (01-ноябр) экилиб, экиш меъёри (4 млн.дона/га) кам бўлганда кузги жавдарнинг «NS-SAVO» навида уруғларнинг дала унувчанлиги энг паст 266 дона (66,5 %) бўлганлиги аниқланди.

**Н.Ғ.ЁДГОРОВ, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
Б.Р.ҲАСАНОВ, таянч докторант,
ДДЭТИ Қашқадарё филиали.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳ.Атабаева, О.Қодирхўжаев "Ўсимликшунослик" Т. янги авлод. 2006 й — Б 93-98.
2. Р.Орипов, Н.Халилов "Ўсимликшунослик" Т. 2006 й. Б- 100-105.
3. Р.Орипов, Н.Халилов "Ўсимликшунослик" Т. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2007 й. Б- 126-132.
4. З.Хаидмухамедова "Ўсимликшунослик" Т. 2010 й. Б- 25-27.